

2025-yil  
8-fevral  
shanba  
№18  
(5082)

YURT TARAQQIYOTI YO'LIDA BIRLASHAYLIK!

# Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri



Алишер НАВОИЙ

## Мени мен исттаган

Мени мен исттаган ўз сўхбатига аржуманд этмас,  
Мени исттар кишинини сўхбатини кўнлим писанд этмас.

Не бахра толқомен андинки, мендин исттагай бахра,  
Чу уким бахра андин тилармен бахраманд этмас.

Нетай хуру нари базминки, қатимми ё ҳайтимна  
Аён ул захр чашми айлаб ниҳон, бу ниҳиханд этмас.

Керакмас ой ила кун шакликим, ҳусну малоҳатдин,  
Ичим ул чок-чок этмас, танним ул банд-банд этмас.

Керак ўз чобуки мажнунвани қотил ишорикиким,  
Бузун кўнлимдин ўзга ери жавлони саманд этмас.

Кўнму ул чарх золидин, фирибдин слаким, охир  
Ажал сарриштасиндин ўзга бўйиунга каманд этмас.

Ул ой ўтмиг юзун отса, Навоий тегмасун деб кўз,  
Муҳаббат тухминдин ўзга ул ўт узра сипанд этмас.

## Аҳоли ДАРОМАДЛАРИ ҚАНЧАГА ОШГАН?

■ Статистика

Статистика агентлиги ҳисоботида келтирилишича, ўтган йил якунига кўра, ўзбекистонликлар даромадларининг номинал кўринишидаги ўсиши

**18,5**  
фоизни,

реал ўсиш суръати эса  
**8,1**  
фоизни ташкил этган.

Аҳолининг умумий даромадлари эса  
**896,3**  
триллион сўмга етган.

### АҲОЛИ ЖОН БОШИГА УМУМЙ ДАРОМАДЛАР

Номинал кийматда  
**16,1**  
фоизга

Реал кўринишида  
**5,9** фоизга  
кўпайган.

Натижада **2023 йилда** аҳоли жон бошига йиллик ўртача даромад **20 МИЛЛИОН СЎМ** бўлган бўлса, **2024 йилда** бу кўрсаткич **24,1 МИЛЛИОН СЎМ**ни ташкил этган.

Тошкент шахри (15,4 фоиз),  
Навоий (7,9 фоиз)  
Тошкент (6,4 фоиз)  
вилоятларида кузатилган.  
Сурхондарё (0,2 фоиз),  
Наманган (0,5 фоиз) ва  
Фарғона вилоятларида  
(1,1 фоиз) аҳолининг реал  
даромадлари жуда кам  
миқдорда ўсган.



**АҲОЛИ ЖОН БОШИГА ДАРОМАДЛАРИНИНГ ЭНГ ЮҚОРИ РЕАЛ ЎСИШИ**

## Куннинг муҳим воқеалари



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 7 февраль куни Япония Бош вазирининг махсус насаҳатчиси Акихиса Нагасима бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.



Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 7 февраль куни ҳудудларда хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Унда мавжуд муаммолар таҳлил қилиниб, ҳудуд ва соҳалардаги улкан имкониятлар кўрсатиб ўтилди.

Йиғилишида Президентимиз мутасадди ва тадбиркорлар билан мулоқот қилди. Соҳа масъуллари бу йил ҳудудларда 2 миллион 500 минг аҳолини банд қилиш режалари юзасидан ахборот берди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясида куну тун фаолият кўрсатадиган

**12-11**

қисқа рақамли «Ишонч телефони», яъни «Call-center»га

мамлакатимизнинг турли ҳудудларида, олис ва ченка қишлоқларида яшаётган хотин-қизлар ўз муаммолари бўйича исталган вақтда мурожаат қилишлари мумкин.

Бугун юртимизда кенг миқёсда олиб борилаётган қурилиш ишлари сабаб ҳудудлар қиёфаси тубдан ўзгаряпти. Бу, ўз навбатида, иш ўринлари яратилишида ҳам имконият яратяпти. Аммо кўплаб қурилиш ташкилотлари ишчиларни мавсумий ёллапти, ойлик иш ҳақларини оғзаки келишув асосида «конверт»да тўлаяпти. Афсуски, бундай вазият тизимда қатор муаммоларни келтириб чиқаряпти.

Қашқадарё вилояти Нишон тумани «Байналмилал» маҳалласи. Бу ерда 10 та кўпқаватли тураржой биноси қуриляпти. «Дашт қурилиш таъмирлаш», «Модернизация махсус сервис», «Ақбар альянс нур», «Буна Ё», «Темур Глобал», «Евроқурилиш», «Асадбек Ҳамкор Элнара» пудратчи ташкилотлари томонидан барпо этилаётган ушбу иншоотларда ишчилар учун яратилган шароитлар ҳаминқадар. Хусусан, «Модернизация махсус сервис» МЧЖ томонидан қуриляётган 1- ва 10-кўпқаватли уйларда 40 нафардан зиёд ишчи меҳнат қилаётган экан. Аммо қурилиш жараёнида меҳнат муҳофазасига эътибор қаратилмаган, ишчилар қишқи махсус уст-бош билан таъминланмаган. Ҳеч кимнинг бошида каска йўқ. Қолаверса, ишчиларнинг кўпчилиги оғзаки келишув асосида меҳнат қилаётир. Қурилиш майдони очик, хавфсизлик чоралари кўрилмаган.

«Дашт қурилиш таъмирлаш» МЧЖ томонидан бунёд этилаётган 2-тураржой биносидан ҳам ҳолат ачинарли. Бинонинг ташки қисмида амалга оширилмаётган су- техника хавф- муҳофа- ка- чи- лар тасма-

## ҚУРУВЧИ ҲАМ ОДАМ

### ёхуд масъуллар меҳнат муҳофазасига қачон жиддий эътибор қаратишади?

лар билан таъминланмаган. Сал эҳтиётсизлик қилинса, юқори қаватдан тушиб кетиш ҳеч гап эмас. Ваҳолаки, қурувчи ҳам одам, унинг ҳам ҳақ-ҳуқуқлари бор.

– Аслида ҳар бир ишчи билан, ё мавсумий бўладими ё доимий, меҳнат шартномаси тузилиши шарт, – дейди Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Қашқадарё вилояти кенгаши меҳнат техник инспектори Шавкат Худоёров. – Ана шундагина биз ишчи-ҳодимларнинг меҳнат муҳофазаси ва ҳуқуқларини ҳимоя қила оламиз. Ўтган давр мобайнида кўплаб қурилиш ташкилотларида касаба уюшмалари бошланғич ташкилотлари ташкил этилиб, ишчи-ҳодимлар ҳақ-ҳуқуқлари ҳимояга олинди. Бироқ айрим пудратчи ташкилотларда ҳалигача бу масалага эътибор берилма- япти. Ваҳолаки, касаба уюшмалари бошланғич ташкилотли тузи-

либ, унга ҳар бир ишчи-ҳодим аъзо бўлса, турли бахтсиз ҳодисалар юз берганда, бадал пулларини ундириш, турли хасталикларга чалинганида даволаниши учун йўланмалар ва моддий ёрдам пуллари ажратиш имкони юзага келади.

«Ақбар альянс нур» масъулияти чекланган жамияти ҳам Нишон туманидаги «Байналмилал» маҳалласидаги кўпқаватли тураржойлардан бирида қурилиш ишларини амалга оширмоқда. Қарийб 50 нафарга яқин ишчи меҳнат қилаётган иншоотнинг бешинчи қаватида ғишт териш ишлари олиб бориляпти. Ишчилар махсус кийим ва каскалар билан таъминланган.

– Икки йил олдин корхонамизда касаба уюшма ташкилотини ташкил этдик, – дейди МЧЖ иш бошқарувчиси Илхом Бўронов.

– Шундан сўнг ишчилар манфаати ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида сезиларли ишлар амалга оширилди. Корхонамизнинг бир қатор доимий ва мавсумий ишчилари тарихий шаҳарларга саёхатларга бо-ришди. Икки нафар ходимимиз йўланма асосида сихат-гоҳда дам олиб

келди. Бир нафарининг соғлигида муаммо бўлгани боис касаба уюшмаси томонидан 6 миллион сўм миқдорда моддий ёрдам ажратилди. Бу саъй-ҳаракатлар биз – иш берувчиларга ҳам маъқул келяпти.

Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбари томонидан инсон кадрини улуғлаш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада зарур ҳуқуқий ҳужжатлар ҳам ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этиляпти. Айниқса, ишчи-ҳодимлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда касаба уюшмалари ўрни сезилаётган давр келди. Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Қашқадарё вилояти кенгаши раиси Боймурод Мейлиев, кенгашининг меҳнат техник инспектори Шавкат Худоёров ва вилоят қурилиш, уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси Нишон тумани бўйича бош инспектори Акмал Сайфиев «Байналмилал» маҳалласида қурилиш ишларини олиб бораётган пудратчи ташкилотлар раҳбарлари билан учрашиб, уларга меҳнат муҳофазаси ва ишчи-ҳодимларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида жорий этилган қонунчилик ҳужжатлари билан таништиришди.

Ўзбекистон инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, улар манфаатини ҳар нарсадан устун қўйиш борасида халқаро майдонда ўз нуфузини топиб бораётган бугунги кунда ушбу масалага барчамиз масъулият билан ёндашсак, нур устига нур бўлар эди.



Баходир ХАЛИМОВ «ISHONCH»



**Маданият, спорт ва туризм ходимлари касоба уюшмаси Бухоро вилояти бирлашган кўмитаси раиси Диловар Темирова иш вақти бошланиши ҳамона вилоят кенгаши раиси ўтказадиган аппарат йиғилишига йўл олди.**

Мажлислада кўрилган дастлабки масалалардан асосийларидики, бугунги кундаги ишларнинг энг бошида жорий йилги ҳисобот-саноатларга тайёргарлик кўриши ва «Аёллар дафтари» туриши лозим. Диловар Темирова йиғилишдан сўнг кабинетда ходимлар билан ҳафта режасини белгилаб олди. Уларга керакли топшириқларни берди.

— Шу кунларда ҳисобот-саноатларни авж паллага кирган, — деди у. — Қолаверса, «Аёллар дафтари»нинг ҳатлов босқичи низоҳасига етмоқда. Ҳар икки муҳим тадбирда фаол катнашиш, ўзимизга юқлатилган вазифаларга эътиборли бўлиш, қуйи тузилмалардаги вазирани катъий назорат қилиш кейинги ишларимиз натижадорлигига асос бўлади.

Масъул ташкилотчи йўл-йўлақай нодавлат ташкилотларни касоба уюшмалари аъзоллигига жалб этиш ҳақида бир неча идора раҳбарига кўнгирок қилиб, учрашув вақтини белгилади. Сўнгра «Аёллар дафтари»нинг 6-босқичи билан боғлиқ жараёнларни ўрганиши учун Когон туманига йўл олди.

Дарвоқе, у маъруза масалаларида хотин-қизлар муаммоларини ҳал этиш бўйича Когон тумани масъули этиб тайинланган. Кунда-кунора туман хотин-қизлар бўлими бошлиғи Лайло Ражабова билан

**Ҳаловатни меҳнатдан излаб...**

хулудда мавжуд 23 та маҳаллада «Аёллар дафтари»нинг 6-босқичини шакллантириш борасида олиб борилаётган ҳатлов жараёнларини ўрганади. Бугун ҳам шу мақсадда «Ўртачўл» ҳамда «Тараққиёт» маҳаллаларига биргаликда йўл олиши. Оилалар аҳоли билан танишиб, дафтarga киритилмаганлар бўйича хулосалар тайёрлашди. Шу аснода дафтarning аввалги босқичларида иштирок этган аёлларнинг аҳолидан ҳам хабар олиши. Маълум бўлишича, ўртачўллик Зухро Раҳмонова тикувчилик фаолиятини йўлга қўйиш учун имтиёзли кредит олган. Ҳозир икки кишини иш билан таъминлаган. Келгуси фаолиятини янада кенгайтириш мақсадида ишлаб чиқариш биноси олишига ҳаракат қилмоқда. Моҳигул Саидова ҳам имтиёзли кредитлардан фойдаланиб, чорвачилик соҳасида ўз фаолиятини кенгайтиришга эришти.

Диловар Темирова Когондаги ишларни якунига етказган, нодавлат ташкилотларга йўл олди. Мақсад — уларда ишлайдиган ходимларни уюшма аъзоллигига жалб этиш. Бухоро шаҳридаги «Сардоба» ҳамда «BIG LARGE» масъулияти чекланган жамиятлари раҳбарлари Дилмурод Анваров, Феруз Эргашев билан учрашди. Корхоналар ишчиларига аъзолик афзалликлари ҳақида тушунтиришлар берди. Натижа ижобий келишув билан якун топди.

Шундан сўнг жойларда ҳисобот-саноатлар жараёнлари билан

танишиш мақсадида Бухоро олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказига бориб, у ерда амалга оширилаётган ишлар билан таништи. Бошланғич ташкилотларда ҳисобот-саноат конференцияларига пухта тайёргарлик кўриш масаласига масъулият билан ёндашиш, уларни меъёрий ҳужжатларга катъий риоя этган ҳолда ўтказиш лозимлигини таъкидлади.

Меҳнат кунининг охири соатларида кабинетга қайтган Диловар Темирова мурожаатларни кўздан кечиришга киришти. Дастлаб Бухоро давлат музей кўрикхонасида саришталлик бекаси вазифасида ишловчи Мамлакат Тилақовдан келиб тушган мурожаат ва уни ўрганиш натижалари билан таништи. Аёл яшаш шароити, иқтисодий аҳоли оғир ҳолатда эканини билдириб, касоба уюшмасидан кўмак сўраган. Унга амалий ёрдам бериш бўйича масъуллар билан гаплашди. Сўнгра Вобкент тумани спорт мактабида узоқ йиллардан бери меҳнат қилаётган фахрий Дониёр Шуқуровнинг «Ситора» санаторийига бепул йўлланма сўраб қилган мурожаатини ижобий ҳал этди.

— Ҳар қанча тизим бўлмасин, душанба низоҳатда самарали келишувлар ва учрашувларга бой бўлди, — деди Диловар Темирова ўтган иш кунини қониқтириш ҳосил қилиб. — Шундай экан, кўнглимиз тинч, виждонимиз пок ҳолда оиламиз даврасига қайтсак бўлади. Ўз



вазифаларини масъулият билан бажариш, кунлик режаларни бекаму кўст адо этиш кишига ҳаловат бағишлайди. Ана шундай ҳаловатли кунлар оғушида яшаётганимдан қувонаман.

Масъул ташкилотчи бугунги фаолиятини якунлаб, уч фарзанди, турмуш ўртоғи — меҳрибон ва кадрли оиласи бағрига ошди.

Дилдора ИБРОҲИМОВА  
«ISHONCH»

**Аъзолар меҳрни ҳис этиши лозим**

**Маданият, спорт ва туризм ходимлари касоба уюшмаси Хоразм вилояти бирлашган кўмитаси тасарруфида 90 та ташкилот бўлиб, улардаги аъзолар 6090 нафарни ташкил этади.**

Бошланғич касоба уюшма кўмиталарида устав талаблари асосида фаолиятни йўлга қўйиш, иш тажрибаларини янада ошириш, ҳужжатлар билан ишлаш, ижро интизомини мустаҳкамлаш, касоба уюшмалари афзалликларини тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Шу мақсадда бошланғич касоба уюшма кўмитаси фаоллари иштирокда ўқув-семинарлар ўтказилмоқда.

Тизимдаги 25 та ташкилотда жамоа шартномалари Ўзбекистон касоба уюшмалари Федерациясининг тасвибий макети асосида янгидан 2024-2026 йилларга тузилиб, янги таҳриридаги Меҳнат кодексига мувофиқлаштирилди. 54 та ташкилотда меҳнат муҳофазаси масалаларини мувофиқлаштириб, назорат қилиб бориш учун вакиллар сайланди.

Жамоа шартномаларига қиқч ёшли фарзандлари бор аёлларга қисқартирилган иш вақти белгилаш, аёлларга ҳақ тўланадиган ҳомилидорлик ва туғиш таътиллари кунини узайтириш, икки ёшгача фарзанди бўлган аёлларга бола парвариши билан боғлиқ бўлган ҳақ тўланадиган танаффуслар бериш имтиёзлари киритилди. Умуман, аъзоларнинг меҳнат ҳуқуқлари ва меҳнатга муносиб ҳақ тўлаш ҳуқуқлари тўла таъминланди.

Умумхалқ байрамлари муносабати билан фаол ва илгор касоба уюшма аъзоларининг 748 нафари рағбатлантирилди, 20 нафар юбилей санасини нишонлаган фахрий тақдирланди. Шунингдек, 784 нафар ходимнинг театр ва концертларга ташрифи уюштирилди. 470 нафар ходимнинг республикамизнинг тарихий шаҳарларига ва ўз хулудидига диққатга сазовор жойларга саёҳатлари ташкил қилинди. 74 нафар ходимнинг фарзандлари вилоятдаги ёғи болалар оромгоҳларида дам олдирилди. Ёрдамга муҳтож, эҳтижманд оилалар вакиллари-нинг 81 нафарига касоба уюшмалари ҳисо-

бидан моддий ёрдам берилди. 13 нафар пенсия ёшидаги шахслар пенсияга чиқишидан олдин бир йўла моддий ёрдам ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. 12 нафар ногиронлиги бор ва ўзгалар парваришига муҳтож кишиларга байрамлар арафасида моддий ёрдам берилди. Икки ёшдан уч ёшгача бола парвариши учун таътилда бўлган 2 нафар ёш онага моддий ёрдам кўрсатилди. Тармок ташкилотларида кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларнинг 21 нафар фарзанди учун ўқув куроллари, дарсликлар олиб берилди.

2024 йил давомида соҳа ходимларидан 77 нафари ва уларнинг оила аъзолари санаторийларда соғломлаштирилди. Шундан 10 нафари ишлаётган пенсионерлар ва 29 нафари касоба уюшмаси аъзоларининг ота-оналаридир. Бир нафар фарзанд кўрмаган аёлга даволаниши учун «Умид гулшани» санаторийига бепул йўлланма топширилди.

Вилоят спорт бошқармаси билан ҳамкорликда турли саналар муносабати билан мусобақалар ташкил қилинди. Уларга 2000 нафарга яқин касоба уюшма аъзолари жалб этилди.

Яқинда Маданият, спорт ва туризм ходимлари касоба уюшмаси Хоразм вилояти бирлашган кўмитасининг V Мажлиси бўлиб ўтди. Унда 2024 йилда амалга оширилган ишлар ҳақидаги ҳисобот тинланди. Шунингдек, касоба уюшма фаоллари иштирокда ҳисобот-саноатларга пухта тайёргарлик кўриш, йиғилиш ва конференцияларни юқори савияда ўтказишга бағишланган семинар ўтказилди. Унда мавзу юзасидан касоба уюшма фаолларига тушунчалар берилди.

Алишер САЛАЕВ,  
Маданият, спорт ва туризм ходимлари  
касоба уюшмаси Хоразм вилояти  
бирлашган кўмитаси раиси



**Қонунга риоя қилмаслик оқибати**

**Меҳнат таътили ўз вақтида берилмаслиги ходимга ҳам, иш берувчига ҳам ортиқча ташвиш келтиради. Бу борадаги ҳуқуқбузарликка кўпинча ишлаб чиқариш муҳим жараёниги, мутахассислар етишмовчилиги, ходимнинг таътилга чиқиш истаги йўқлиги рўқач қилинади.**

Булунғур тумани тиббиёт бирлашмасида ҳам шундай ҳолат рўй берди. Анестезиолог врач вазифасида ишлаган Бахтиёр Жайсанов 20 йилдан ортиқ вақт мобайнида меҳнат таътилига чиқмади. Бултур июл ойида у билан маъмурият ўртасида тузилган меҳнат шартномаси бекор қилиниши жараёнида бу муаммо юзага калқиб чиқди. Ишдан бўшатилган Б.Жайсанов фойдаланилмаган таътил кунлари учун тўланган маблағ миқдоридан қаноатланмади. Алалоқибат, бу ҳақда тармок касоба уюшмасига мурожаат қилди. Ишга соғлиқни сақлаш ходимлари касоба уюшмаси меҳнат инспекцияси аралашди. Тиббиёт бирлашмаси

раҳбариятига ҳуқуқбузарликни музокара билан йўли билан ҳал этиш таклифи киритилди. Аммо...

Меҳнат инспекциясининг фойдаланилмаган меҳнат таътили кунлари учун берилиши лозим бўлган ҳақ, кечиктирилган кунлар учун компенсация пули тўланиши бўйича бажарилиши шарт бўлган кўрсатмалари ҳам инобатга олинмади. Иш берувчи ўзи йўл қўйган ҳуқуқбузарликка вақтида барҳам бермади. Охир-оқибат касоба уюшмалари ходим манфаатини кўзлаб фуқаролик ишлари бўйича Жомбой туманлараро судига даъво-ариза киритди. Суд қарори билан даъвогар Бахтиёр Жайсанов

фойдасига тиббиёт бирлашмаси ҳисобидан фойдаланилмаган таътил кунлари учун 8 485 591,1 сўм миқдорда компенсация пули, фойдаланилмаган меҳнат таътили кунлари учун маблағ тўланиши кечиктирилгани учун 140 820 296,3 сўм компенсация, 21 625 677,34 сўм миқдорда иш ҳақи ҳамда 5 592 845 сўмлик маънавий зарар ундирилмаган бўлди.

— Меҳнат кодексига иш берувчи зиммасига ҳеч қандай омилни рўқач қилмасдан ходимга ҳар иш йили тугагунга қадар меҳнат таътили бериш мажбурияти юқлатилган, — деди Соғлиқни сақлаш ходимлари касоба уюшмаси Самарқанд вилояти кенгаши меҳнат ҳуқуқ инспектори Голуб Рустамов. — Бу масалада иш берувчи лоқайдликка йўл қўйса, у моддий зарарни тўлашдан ташқари, маъмурий жазога тортилиши ҳам кўзда тутилганини унутмаслик керак.

Хуллас, туман тиббиёт бирлашмаси маъмурияти хато қилди. Тўланиши лозим бўлган маблағ қўлами эса оз эмас. Начора, қонунга риоя қилмаслиқнинг оқибати ана шундай оғирлиқ бўлади.

Нурилла ШАМСИЕВ  
«ISHONCH»

**Раис қайта сайланди**

Тошкент кимё-технологиялар институтининг Ян-гир филиали талаб юқори бўлган касблар, йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрлашга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Ўқув даргоҳида бугунги кунда меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги, касоба уюшма аъзоларининг меҳнатга оид ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларга ҳар жиҳатдан гамхўрлик қилиш 160 нафар аъзони ўз сафига бирлаштирган бошланғич касоба уюшма кўмитаси зиммасида.

Институт филиалида бўлиб ўтган бошланғич касоба уюшмаси ҳисобот-саноат йиғилишида дастлаб касоба уюшма кўмитаси раиси Шаҳноза Назарованинг беш йиллик фаолияти якунлари ҳамда иш фаолияти тасвирга олинган видеоролик намойиш қилинди. Иш берувчи томонидан жамоа шартномаси асосида бажарилган ишлар бўйича Маъмура Абдуллоимова ҳисобот берди.

Кун тартибидеги навбатдаги масала кизгин баҳс-мунозараларга бой бўлди. Касоба уюшма кўмитаси раислигига икки кишининг номзоди кўрсатилиб, кўпчилик овоз билан Шаҳноза Назарова қайта сайланди.

Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касоба уюшмаси вилоят кенгашининг ҳисобот-саноат конференциясига делегат ҳам сайланган йиғилишда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Баҳор ХОЛБЕКОВА  
«ISHONCH»



**Газчилар соғлом турмуш тарзини танлашди**

**«Худудгаз Наманган» газ таъминоти филиали ходимлари ўртасида қизиқарли спорт мусобақалари бўлиб ўтди. Тадбир жамоа руҳини мустаҳкамлаш, ходимларнинг жисмоний тайёргарлигини ошириш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида ташкил этилди.**

Беллашулар спортнинг бир неча турларида ўтказилди. Иштирокчилар тош кўтариш, баскетбол тўрига тўп ташлаш ва кўларда ётиб-туриш бўйича ўз маҳоратларини синаб кўрдилар.

Куч ва чидамлик чинакамига синовдан

ўтди. Тош кўтариш йўналишидаги ғолиб ўз кучини ва иродасини намойён этиб, барча иштирокчиларга намуна бўлди. Баскетбол тўрига тўп ташлашда эса аниқлик ва диққат-эътиборни бир жойга қўйиш муҳим роль ўйнади. Кўларда ётиб туриш беллашуви иштирокчи-

ларнинг тезкорлиги ва чидамлигини синаб кўриш учун имконият яратди.

Баҳлашулар якунида ғолиб ва совриндорлар ташкилотчиларнинг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Бу каби тадбирлар нафақат жисмоний ҳолатни мустаҳкамлашга, балки жамоа бирдамлигини оширишда ҳам муҳим роль ўйнаши таъкидланди.

Абдубоси СОБИРОВ,  
«Худудгаз Наманган» газ таъминоти филиали  
бошланғич касоба уюшма кўмитаси раиси

**Оламда БУГУН**



**ХЖСга қарши санкциялар**

Халқаро жинойт судини АҚШ ва унинг иттифокчиларига, биринчи навбатда, Исроилга ноқонуний таъқиб ўтказишга қарши қўйилган Дональд Трамп ушбу ташкилотга нисбатан санкциялар тўғрисидаги фармонни имзолади.

Санкциялар АҚШ ва унинг шериклари бўйича терговларда иштирок этган шахслар ҳамда уларнинг оила аъзоларига тааллуқли бўлади.

Илгари Сенатдаги демократлар Исроил бош вазири Биньямин Нетаньяху ва собиқ мудофаа вазири Йоав Галантга нисбатан ХЖСнинг хибста олиш ордерига жавобан санкциялар жорий қилишга уринишни тўхтатиб қўйган эди.

**Буюк Британия банкротлик ёқасида**

Буюк Британиялик сиёсатчи Дэвид Фрост мамлакат иқтисодий ҳалокат ёқасига яқинлашиб қолганини маълум қилди. Унинг сўзларига кўра, ёқилги нархларнинг ошиши, назоратсиз миграция ва пандемиядан кейинги иқтисодий шок натижаида мамлакатда ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) тез суръатларда пасайиб бораётган.

«Солиқларнинг ошиши ва давлат қарзининг ўсиши вазирани янада чигаллаштирмоқда. Биз давлат қаражатларини кўпайтиришга йўл қўймаймиз. Бу иқтисодий стагнациясини янада чуқурлаштирилади», деди у The Telegraph нашрига.



**Озарбайжон ташқи ёрдамга муҳтож эмас**

Озарбайжон ҳукумати Россиянинг Россия-Озарбайжон агентлигига қарши «Русский дом» лойиҳасини ёпиш ҳақида расмий хабар берди. ОАВ маълумотларига кўра, мамлакат раҳбарияти «бундан буён ташқи аралашувларга индамай қараб турмайди».

Бир неча муддат аввал Озарбайжонда АҚШнинг Халқаро тараққиёт агентлиги (USAID) вако-

латхонаси ҳам ёпилган эди.

Маъбулотдаги фикрларга кўра, бугунги Озарбайжон ташқи ёрдамларга муҳтож эмас ва, айниқса, «ташқилий тузилиши очик-ойдин жосуслик хусусиятига эга бўлган» ноаниқ схемалар орқали кўрсатилаётган ёрдамни қабул қилмасликка қарор қилган.



■ Бир ғазал шарҳи

Алишер Навоийнинг «Айлангиз» радифи билан битилган учта ғазали бор:

Биринчиси, «Хазойин ул-маоний»нинг 1-девони бўлмиш «Ғаройиб ус-сигар»даги 221-ғазал. У:

*Ул пари кўида мен девонани банд айлангиз,  
Банд-бандим зулфи занжирига пайванд айлангиз,  
байти билан бошланади.*

Иккинчиси, 3-дефон бўлмиш «Бадоеъ ул-васат»нинг 208-ғазал бўлиб, у:

*Кўксумни тиги меҳнат ила ёра айлангиз,  
Тортиб узунг кўнгулнию юз пора айлангиз,  
дея бошланади.*

Учинчиси ана шу «Бадоеъ ул-васат»даги 217-ғазал. У кўидаги 7 байтдан ташкил тошган:

*Нозанинлар, бенаволарга тараҳхум айлангиз,  
Лутф агар йўқтур, ғазаб бирла тақаллум айлангиз.*

*Гаҳ бийик, гаҳ паст гирён кўрсангиз ушиоқни,  
Фош кулмассиз, ниҳон боре табассум айлангиз.*

*Ҳажр зулмидин қотиқ ҳолими, эй жону кўнгул,  
Билдингиз, ёр олдида бориб тазаллум айлангиз.*

*Эй балову дард, ўтлар худ солибсиз жонима,  
Лек сиз ҳам гаҳ-гаҳ ул ўттин таважжум айлангиз.*

*Қон агар ютсам қарориб ахтарим, эй хатту хол,  
Сиз майи лаъли била боре танавум айлангиз.*

*Биз фано туфроғи бўлдук дайр аро, эй аҳли зухд,  
Хонақаҳ сахнида сиз баҳси тақаддум айлангиз.*

*Эй муганнийлар, Навоий маст эди – кеч уйғонур,  
Они уйғотмоққа бир дилкаш тараннум айлангиз.*

Мана, ғазални ўқидик. Буюк шоир одатда ҳар бир ғазалида бир поэтик янгилик, яъни бадий ифода ва тасвирнинг ўзига хос кўринишини яратди. Шу тарика асар ажиб бир жозиба пайдо қилади ва ўқувчини ўзига жалб этади.

Хўш, мазкур ғазал айнан қайси жиҳатлари билан диққатни ўзига тортади?

Биринчиси – ҳаммага тушунарли бўлган ўзбекча сўз («айлангиз») радиф сифатида қўлланган.

Иккинчиси – қофияга олинган ва асли арабчадан кириб келган 8 сўз («тараҳхум», «тақаллум», «табассум», «тазаллум», «таваҳхум», «танавум», «тақаддум», «тараннум») ўзаро фақат оҳангдошлиғига эмас, балки тўлалигича вазидош ҳам. Аслида шёърда бу шарт эмас. Яъни вазнга мос равишда қофияда бир ёки икки бўғинли сўз иштирок этавериши ҳам мумкин. Масалан, «қушни бум айлангиз» тарзида келавериши шунга ҳеч ҳам монелик кўрсатмас эди.

Йўқ. Шоир қуюқ бир оҳанг пайдо қилиш учун махсус тарзда «та-» билан бошланиб, «-ум» билан тугайдиган, «танавум»дан ташқари қолган 7 сўз ўртасида бир ундош икки қарра такрорланганидан («-ҳх-», «-лл-», «-сс-», «-лл-», «-ҳх-», «-дд-» ва «-нн-») сўзларни топиб, қофия тизимига киритган. Бу қуюққа хуш ёқадиган жарангдорлик пайдо қилган, албатта. Ғарб адабиётшунослигида сўзлар олдида келадиган оҳангдорликка «аллитерация» дейилади.

Шу жойда «Ўзи ғазал қандай ёзилади?» деган саволга жавоб бериб ўтайлик. Камида 5 байтга ғазал битиш учун аввал 6 та қофиядош сўз топиш лозим. Баъзан шундай бўладикки, минг-минглаб сўзи бор бутун бошли бир тилда 6 та қофиядош сўз топиламан. Масалан, бир кунни кўнгилда:

*Нон излаб келмадим шаҳри азимга,  
деган самийни, вази арузий («мафойилун мафойилун фаулун») сатр тугилди. Лекин «азимга» сўзига мос яна 5 та сўз топилмади. Чунки «таъзимга», «азмга», «размга» каломлари бу вазнга тушмайди. Демак, бу мисрани давом эттириб, ғазал ёзиб бўлмайди. Шу жиҳатдан қараганда, Навоий аввал тилда 8 та ўзаро бошдан-охир оҳангдош сўз борлигига ишонч ҳосил қилиб, кейин иш бошлаган. Ҳатто, «танавум» сўзи – минг йиллик мероста суянган ҳолда тузилган «Тожиқ тилининг изоҳли луғати» («Фарҳанги забони тоҷикӣ»)да ҳам йўқ. Демак, форс-тожиқ тилига бу арабча сўз ўтмаган. Ўзбек тилига уни Навоий олиб кирган.*

Учинчиси – мавжуд 7 байтнинг 6 тасида шоир ундалма қўллади. Яъни лирик қаҳрамон тўғридан-тўғри кимгадир мурожаат қилади. Шунинг учун бу асарни, шартли равишда, «ундалма ғазал», деб аташ ҳам мумкин. Эҳтимол, бордир, аммо камина шоирнинг 7 байтга бир ғазалида 6 та ундалма ишлатилганини бошқа кўрмаганман.

Тўртинчиси – дастлабки 2 байтга лирик қаҳрамон жамоа, яъни «бенаволар» ҳамда «ушиоқ» («ошиқлар») манфаатларини химоя қилиб чиқади. Аниқроғи, ўзини шу жамоанинг вакили сифатида тутди. Қолган 5 байтда эса фақат ўз номидан сўзлайверади.

Бешинчиси – 6 ундалманинг ҳеч бири яқка шахсга қаратилмаган, балки кўпчилик бўлган тоифа («нозанинлар», «аҳли зухд», «муганнийлар») ёки камида икки нарса («жону кўнгул», «балову дард», «хатту хол»)га мурожаат қилинган.

Олтинчиси – 6 ундалманинг 5 таси олдида «эй» ундови қўлланади. Бу ҳиссиётни кучайтиради. Асар таъсиранглигини оширади.

Шу таҳлиллардан сўнг энди ғазал шарҳига ўтсак. Дастлабки 2 байтга лирик қаҳрамон «нозанинлар»га дардини тўкиб солади:

*Нозанинлар, бенаволарга тараҳхум айлангиз,  
Лутф агар йўқтур, ғазаб бирла тақаллум айлангиз.*

Ҳаҳ бийик, гаҳ паст гирён кўрсангиз ушиоқни,  
Фош кулмассиз, ниҳон боре табассум айлангиз.

«Нозанин» сўзи ҳаммамизга тушунарли. «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да унга шундай изоҳ берилган: «Мулоийм, ёқимли; тинноз; суюкли; зўзал. Қадди-қомати келишган, зўзал қиз, аёл».

Лекин ўзбек мумтоз адабиёти намуналарини мутлола қилишга киришса-да, муайян тажриба тўпламаган ўқувчи «бенаволар», «тараҳхум», «лутф», «тақаллум», «гирён», «ушиоқ», «фош», «боре» сўзларини мутахассис ёрдами, яъни унинг изоҳисиз англавермайди. Ҳатто, «ниҳон»нинг ҳам «яширинча» деган маънога эгалигини унча-мунча одам билавермайди.

«Бенаво» сўзи луғатда «ғариб, бечора; баҳрасиз, бахтсиз; ноумид; ошиқ» тарзида тушунтирилган. Матла тағматнидан келиб чиқса, бу ифодани «нозанинларга ошиқ бўлган бечоралар» тарзида тушуниш лозим. «Тараҳхум» эса «рахм» билан бир ўзакдан ясалган. «Лутф» бу ўринда «ширин сўз» маъносига келган. «Тақаллум айлангиз»ни оддийгина «сўзлангилар» деб тушунсак, тўғри бўлади.

2-байтдаги «гирён» ўзбекча «ийш»ни ифодалайди. «Ушиоқ» эса «ошиқлар» дегани. «Фош»ни кўпчилик тушунади, албатта. Аммо бу ерда у кўпроқ биздаги «ошиқ-ошқор»га мос келади. «Боре» – «бир боргина», «бир мартагина» дегани.

Ана энди нозанинларга қарата айтилган шу икки байтли матни насрий баён қилса бўлади:

«Нозанинлар, бечора (ошиқ)ларга раҳм айлангилар, агар ширин сўз бўлмаса (ҳам, лоақал), ғазаб билан сўзлангилар. Ошиқларнинг гоҳ баланд, гоҳ паст (овоздаги) йиғисини кўрсангилар, ошиқ-ошқор кулмасангилар (ҳам, лоақал), яширинча бир бор(гина) табассум айлангилар».

Бу байтда лирик қаҳрамон гўзаллардан ошиқларига раҳм қилишни сўраган бўлади.

3-байтдан лирик қаҳрамон ўз дардини ошқор этишга ўтди. Қўшмисра «жону кўнгулга» мурожаат тарзида битилган: «Ҳажр зулмидин қотиқ ҳолими, эй жону кўнгул, Билдингиз, ёр олдида бориб тазаллум айлангиз.

«Тазаллум» сўзининг асл маъносини билиб олсак, бу байтни бугунги ўқувчи ҳам бемалол тушунади. Бу сўз «зулм» калимаси билан бир ўзакдан ясалган. «Тазаллум айламоқ» феъли «кўрилган зулмдан шикоят қилмоқ» маъносини англатади. Демак, байтни куйидагича насрий баён қилиш мумкин:

«Эй, жон билан кўнгул, ҳижрон (айрилиқ) зулмидан қаттиқ аҳволимни билдингилар, бориб, ёр олдида кўрган зулмларингиздан шикоят қилингилар».

4-байтда лирик қаҳрамон «балову дард»га дардини тўкиб солади:

*Эй балову дард, ўтлар худ солибсиз жонима,  
Лек сиз ҳам гаҳ-гаҳ ул ўттин таважжум айлангиз.*

Бу ерда «худ» ва «таваҳхум айлангиз»нинг маъносини чаксақ бўлди. «Худ» бу ўринда «фақат» маъносига келган. «Таважжум айламоқ» эса «ваҳимага тушмоқ», «қўрқмоқ»ни англатади.

Байтнинг мазмуни: «Эй бало билан дард, (сизлар) жонимга фақат ўт солдингилар, лекин сизлар ҳам гоҳи-гоҳи (бу) ўтдан кўрқингилар».

5-байтда «хатту хол»га мурожаат қилинади:

*Қон агар ютсам қарориб ахтарим, эй хатту хол,  
Сиз майи лаъли била боре танавум айлангиз.*

«Хатт» дейилганда кизлар лабидаги билинар-билимас туклар чизиги кўзда тутилади. Лаба хол ҳам бўлиши мумкинлигидан келиб чиқиб, ислом Шарқи мумтоз шёъриятида «хатту хол» кўпинча бирга келадиган тимсоёлларга айланган. Албатта, байтда ёрнинг хатту холига мурожаат қилиняпти.

«Ахтар» – «юлдуз» дегани. Лекин у кўчма маънода «бахт», «тақдир», «қисмат» маъноларида ҳам келади. «Лаъль» – кимматбахо кизил тош. Аммо шёъриятда у лабга қиёсланган. Кўпинча истиора тарзида лабини англатади. «Танавум» сўзи «неъматланмоқ», яъни «истеъмол қилмоқ»ни билдиради.

Шу тарика байтни куйидагича насрий баён этиш мумкин: «Эй хатту хол, асар (мен) бахтим қорайиб, қон ютаётган бўлсам, сизлар (ёрнинг) лаби майдан ичингилар».

Шоир бу ерда лирик қаҳрамоннинг ҳижрон азобини чекканидан оғир аҳволга тушиб, қон ютиши билан ёр лабидаги хатту холининг бахтини бир-бирига қарама-қарши қўйиб, тазод санъатини яратган.

6-байтда фикр «аҳли зухд» қарата баён қилинади: «Биз фано туфроғи бўлдук дайр аро, эй аҳли зухд, Хонақаҳ сахнида сиз баҳси тақаддум айлангиз.

Бу байтда эски, яъни бугун учун тушунарли сўзлар кўпроқ «Фано» – «ўткинчи» дегани. Лекин у тасаввуфий маънода дунёнинг ўткинчилигини англатади. «Дайр» Навоий асарларида 3 маънода келади: 1) роҳиблар ибодатхонаси (бутхона, монастырь); 2) майхона; 3) дунё. «Аҳли зухд» – зоҳидлар, яъни таркидунёчилар. «Хонақаҳ» (вазн такозоси билан у ушбу ғазалдагидек, «хонақаҳ» тарзида ёзилган ҳам мумкин) – Аллоҳ васлига етиш йўлига кирган сўфийлар истикомат қилиб, пирдан таҳсил оладиган иморат. Зоҳидлар ҳам сўфийлар тоифасига қиради. «Тақаддум» эса «илгарилар», «олдинда бўлиш» маъноларини англатади.

Умуман, Навоий шёъриятида ҳаминша зоҳидларга тесқари жабаҳа, яъни позицияда турлади. Бу билан Аллоҳга чинакам ошиқлик ҳаётни севишга монелик қилмаслиги, бу йўлда юзаки, кўр-кўрона, таъма аралаш хатти-ҳаракатлар, таркидунёчилик билан ҳаёт кечиритиши мақсад қилганлар қораланади.

Шу тарика байтдан куйидаги мазмун келиб чиқади: «Эй зоҳидлар аҳли, бизлар дунё аро ўткинчилик туфроғи бўлдиқ, сизлар хонақаҳ сахнида ким олдинга ўтиши (яъни пир бўлиши) борасида баҳс қилаверингилар».

7-байт, яъни мактада лирик қаҳрамон кўнглини «муганнийлар»га тўкиб солади:

*Эй муганнийлар, Навоий маст эди – кеч уйғонур,  
Они уйғотмоққа бир дилкаш тараннум айлангиз.*

Байтда «муганнийлар»дан бошқа тушунарли сўз йўқ. Чунки «тараннум» сўзи ҳаммага тушунарли. Аммо у куйи чалиши ҳам, ашула айтиши ҳам билдиради.

Байтнинг мазмуни куйидагича:

«Эй муганнийлар, Навоий маст эди, (шунинг учун у) кеч уйғонади, уни уйғотишга бир дилкаш (ёқимли) куй (ё кўшиқ) тараннум этингилар».

Мана, ғазал матни билан танишдик. Байтларни кетма-кет келтириб, улардаги кийин сўзлар маъноларини тушуниб олишга ҳам уриндик. Сўнг эса ҳар бир байтни насрий баён қилдик.

Хўш, бу ғазалдан нима олдик? Кўнгил баҳра топди! Нимадан?

Сўз, оҳанг, ифода, тасвир, туйғу, шиддат... гўзаллигидан! Адабиёт ҳам санъат! Лирика шундай бўлади-да.

Биттагина доирада завқ-шавқ билан чалинган кўп қуйларни мароқ билан эшитгансиз. Ундаги, хоҳ босиқроқ, хоҳ шиддатли бўлсин, ритм, уеул ёки маромдан завқ олгансиз.

Навоийнинг бу ғазалидан олинган таъсир эса бундан-да кучлироқ. Чунки у ҳам руҳингизга, ҳам ақлингизга таъсир этади. Айниқса, мактадаги ҳаётги ҳаққоният асосидаги тасвир қутилмаганда кўз олдингизда бир сахна пайдо қилади: ошиқ кеча кўп ичиб, маст бўлган, шунинг учун бугун у кеч туради, лекин уни уйғотиш учун муганнийлар бир ёқимли куй ё кўшиқ ижро этиши керак.

Бу ғазалининг ана шундай ажойиб сахнавий тасвир билан тугаши Ўзбекистон ва Тожикистон халқ артисти Шерали Жўраевга қаттиқ таъсир қилган кўринади. Ҳатто, унга ажиб бир илҳом улашган ҳам. Нағижала марҳум хонанда, ўзбек кўшиқчилигидаги қатъий анъаналарни бузиб бўлса ҳам, Навоий шу ғазалидаги лирик қаҳрамоннинг илтимосини бажо айлағиси келган. Шу ғазалга улаб:

*Сунбулин Лайло очиттур, ел абиросо эмас,  
Догини Мажнун қонатини, лолайи ҳамро эмас,  
байти билан бошланадиган ғазалини ижро этган.*

Хонанда бу икки ғазалини ўзаро чамбарчас боғлаб турадиган бошқа бир муҳим асос ҳам топган. Бу шундан иборатки, бу ғазал мактасида ҳам лирик қаҳрамон, худди олдин тилга олинган ғазал мактасида каби, Навоийнинг мастлигини тилга олади:

*Мана гулруҳ соқо-ю, булбулга гул тутти қадаҳ,  
Маст эрур ул ҳам Навоийдек, вале расво эмас.*

Яна бир алоқадор жиҳати шуки, иккала ғазал ҳам рамали мусаммани маҳзүф (ёки мақсур), яъни «фошлотун фошлотун фошлотун фошлон» вазида битилган.

Шу тарика икки ғазал асосида бир ажойиб ашула юзада келган. Бунинг учун иккала ғазалдан ҳам айрим байтлар қисқартирилган, албатта.

«Хазойин ул-маоний»да жами 2 минг 600 та ғазал бор. Таҳлил қилганимиз эса улар орасидаги шунчаки ғазаллардан эмас. «Айлангиз» радифили бу асарнинг шунча ўзига хос жиҳатидан бохабар бўлган ҳар қандай ўқувчи бу фикримизга қўшилса керак.



**Султонмурод ОЛИМ,**  
филология фанлари доктори,  
Тошкент амалий фанлар университети профессори,  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

Исроил бош вазиридан Трампга совға

Исроил бош вазири Биньямин Нетаньяху Вашингтонга ташрифи чоғида АКШ президенти Дональд Трампга «Ҳизбуллоҳ»га қарши операция рамзи сифатида олтин пейжер совға қилди.

Эслатиб ўтамиз, пейжерлар билан боғлиқ операция Исроил томонидан 2024 йилнинг сентябрь ойида амалга оширилган эди. Ливанда содир бўлган поргласнинг дастлабки тўлкинида 4 мингдан ортқ киши жароҳатланган, камида 12 киши ҳалок бўлган эди. Иккинчи тўлкинида эса 25 киши ҳалок бўлиб, 700 дан ортқ киши жабранган.



8 йиллик халқаро ёрдам харажатлари

Сўнгги саккиз йил ичида АКШ USAID агентлиги орқали халқаро ёрдам учун 335 миллиард доллар сарфлаган. Бу 2024 йилдаги давлат харажатларининг тахминан 5 фоизига тенг.

Расмий маълумотлар асосида АКШ президентлари Дональд Трамп ҳамда собиқ президент Жо Байден давридаги давлат харажатлари таққосланди. Таҳлилда, шунингдек, Барак Обаманинг охириги президентлик йилдаги (2016 йил) харажатлар ҳам инобатга олинди. Унга кўра, Обама президентлиги даврида USAIDга 2016 йилда 50,3 миллиард доллар ажратилган бўлса, Байден маъмурияти даврида ҳар йили 37,4 миллиарддан 50 миллиардга сарфланган. Трамп президентлиги даврида эса бу кўрсаткич атиги 25,5 – 26,7 миллиард долларни ташкил этган.



Тайвань сунъий интеллект оролига айланади

Тайванда «Суверен СИ» дастури жадал тус олди. Дастур доирасида 2029 йилга келиб суперкомпьютерлар ҳамми 1200 петафлопсга етказилади.

Ҳозирда мамлакат бу кўрсаткич бўйича дунёда 11-ўринда. Ҳисоблаш қувватларини ривожлантириш Тайваннинг юқори технологиялар ҳоҳасидаги етакчилиги мавқени мустаҳкамлайди.



Оламгир ОТАЁР тайёради

Низомий номдаги Тошкент давлат педагогика университети ректорати ва қасаба уюшма ташкилоти олий таълим муассасаси ректори Абдуғаффор Қирғизбоевга онаси

**Инобатхон ая ҚИРГИЗБОЕВА**  
вафот этгани муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари қасаба уюшмаси Республика кенгаши жамоаси кенгаш раисининг ёшлар масалалари бўйича масъулачиси Бобур Мамировга волидан мухта-рамаси

**Зарбуви ая МАМИРОВА**  
вафот этгани муносабати билан таъзия изҳор қилади.

Тошкент вилояти Янгиўл ту-мани «Ўзбекистон МФЙ» «Оламгир» кўчаси 20кА-ўй учун 2022 йил 12 сентябрда Бобожанова Очакон номли расмийлаштирилган Ол-дин-соти шартномаси йўқолгани са-бабли беор қилинади.

# Навоийнинг Ватан янглиғ қиёси йўқ

## НАВОЙНИНГ НАБИРАЛАРИ

Тирикликнинг бол, ширалари,  
Бири улғу, кичик бирлари,  
Фахр этиб юрсайди бари,  
Навоийнинг набиралари.

Ярқирайди тилло узукдек,  
Шу узукка қўйилган кўздек.  
Бири Бобур, бири Улғбек —  
Навоийнинг набиралари.

Кўркам бўю қадду қоматлар,  
Қулса шундай қулар омадлар.  
Чикмасин ҳеч сиздан номарлар,  
Навоийнинг набиралари.

Ўз кўнглида кўзлар Марсларни,  
Гижинглаб юрар «Мерс»ларни.  
Қолдирамсин экан дарсларни,  
Навоийнинг набиралари.

Чинидай оқ дорилфунунлар,  
Сизга — йиллар, сизга бу кунлар.  
Илм ишқида бўлинг Мажнунлар,  
Навоийнинг набиралари.

Қадим замон, Ҳақ замонида,  
Олтин чиққан олтин ёнида,  
Сиз ҳам ўшал олтин қонидан,  
Навоийнинг набиралари.

Интилсангиз — бир кун етгайсиз,  
Манзилларга зиё элтайсиз.  
Фарҳод-Ширин бўлиб кетгайсиз,  
Навоийнинг набиралари.

Қуртак ёзар пайванларингиз,  
Унутманг ҳеч: дилбандларингиз,  
Туғилажак фарзандларингиз  
Навоийнинг набиралари.

Ҳазрат бобо Сўзни ўйлаган,  
Қанча қошу кўзни ўйлаган,  
Асли ул зот Сизни ўйлаган,  
Навоийнинг набиралари.

Эл-юрт омон, даврон саломат,  
Яратгандан Сизга қаромат.  
Ҳаёт ўзи айлар ҳушомод,  
Навоийнинг набиралари.

Умр асли — насиб ё насиб,  
Ҳар дилга бир гул мутаносиб.  
Навоийга бўлсин муносиб,  
Навоийнинг набиралари.

Улғу бобонг Навоийнинг  
ётар жойи Ҳирот бўлғай,  
Ва лексин билмасанг ул  
зотни сен, оғир уёт бўлғай.

Сенга муҳтож эмас ҳазрат,  
улғу мақсад, улғу меҳнат  
Билан дил кўзларин очким,  
ҳаётинг ҳам ҳаёт бўлғай.

Завол эрмас, камол келтир  
она юртингга ҳар соат,  
У сенга ҳам она, ҳам юрт,  
сенга икки қанот бўлғай.

Нечун ёлқинлашиб кезгай  
бу тўфонзода тойчоқлар?  
Улар фарзандларингга  
Бойчибору ҳам Ҳирот бўлғай.

Бу тупроқ узра инсон бор,

ва иймон — икки мансаб бор,  
Агар жуздир ва ё қарлуқ,  
ўғиз ё кўнбирот бўлғай.

Кетар жисминг муваққатдир,  
Ватан — мангу муҳаббатдир,  
Агар қимда муҳаббат йўқ,  
жаҳонда номурод бўлғай.

Келибсан гар сурур келтир,  
ҳавас бирлан гурур келтир,  
Ки сен кетсанг ҳам ортингдан  
эл ичра ному ёд бўлғай.

Навоий назми — иймондир,  
агарчи Сўзни сотгайсан,  
Унинг бир сатри охир  
таъби назмингга сирот бўлғай.

Менинг бу норавон шеърим  
ёзилди бир ниёт билан,  
Ёзилсин шеър ҳам токи  
у шеърдан бир мурод бўлғай.

## ЎҚИШ

Ҳар бир қалла,  
Ҳар бир бош  
Жаҳолатдан қўрқини керак.  
Ҳар бир бола,  
Ҳар бир ёш  
Навоийни ўқиши керак.

Ҳар бир ота,  
Ҳар бир мўсафид  
Умр ҳикматларин кўрсатиб,  
Нафс арқонларин қўрқини керак.  
Фарзандлари, набирасига  
Навоийни ўқиши керак.

Бир болага — бутун мамлакат,  
Баъзан эса қирқ киши керак.  
Бешиқлардан тушиб болалар  
Навоийни ўқиши керак.

Сиз дейсиз: Йўл топини керак,  
Уй қуриб, пул топини керак,  
Йўқ-йўқ, у ор қилиши керак,  
Навоийни ўқиши керак!

Самарқанду Бухоро, Термиз  
Тўйларидо барчамиз жаммиз.  
Бизлар ахир қимлардан каммиз?!  
Элга олам олқини керак,  
Оламга тик боқини керак,  
Навоийни ўқиши керак!

Берунийлар, ибн Синолар,  
Улғбеклар, Бобур Мирзолар  
Қуриб кетмиши қандай бинолар?  
Еш кўнглилар қалқини керак,  
Навоийни ўқиши керак!

Ватан азал битта Ватандир,  
У биз учун сўлмас чамандир.  
Шул сабабдан бола чоғлардан,  
Майса чоғлар, лола чоғлардан  
Ўзни уриб, юлқини керак,  
Навоийни ўқиши керак,  
Дилга недир юқини керак!

## «ЯХШИЛАР ИЧРА...» (Мир Алишер Навоий газалига мухаммас)

Эрка гизолим<sup>1</sup> менинг сарви равон бўлдило,  
Сарви равоним десам оҳусимон бўлдило.  
Моҳи жаҳонин менинг шоҳи жаҳон бўлдило,  
Муниси жон деганим офатимжон бўлдило,

Жонима бедодидин шева фиғон бўлдило.

Айтдим анга, кўзларинг кўйида мажлис тузай,  
Қошу қабоғинг уза китриғими юрғузай,  
Тил била китрик санаб, лаб била китрик узай,  
Деди, кўзунг қонини васлим ила турғузай,  
Войки, бағрим доғи ҳажрида қон бўлдило.

Сочилибон ҳар томон зору паршон ёшим,  
Сийм бадан олдида бўлди нурафишон ёшим,  
Ишқини найсониму — бунча фаровон ёшим,  
Гар юзи май тобини гул-гул эрур қон ёшим,  
Юз уза тим-тим томиб, лоласитон бўлдило.

Бошимга келган бало лаб била тилдин дедим,  
Лаб била тилдин яна сен киби гулдин дедим,  
Воз кечайин энди мен жон ила дилдин дедим,  
Кўзу кўнгул қонини ёшурай элдин дедим,  
Ҳар биридин юз сари юзда нишон бўлдило.

Борму жаҳонда яна сен киби дилбар малиҳ?<sup>2</sup>  
Волаю зор ҳам йўқ бўлғучи менга шабиҳ?<sup>3</sup>  
Жисмима туиуди тугун ҳам гириҳ узра гириҳ,  
Зухд аро ҳар мушқулмики бор эди, эй фақиҳ,<sup>4</sup>  
Жомга май қўйғоч-ўқ, барча аён бўлдило.

Қимки жаҳон аҳлидин бурди юзин бошитоб,  
Чекмади оламода у дарду ғаму изтироб.  
Тингла, замоннинг ўзи, гардиши айлаб хитоб:  
Қимки замон аҳлидин айламади ижтиноб,<sup>5</sup>  
Бир кун ани ҳам дегунг аҳли замон бўлдило.

Кема эрур бу умр, чолғуси ҳар лаҳза бонг,  
Битғуси ногоҳ сафар шом эрур хоҳи тонг,  
Яхши эрур яхшилик бирла тўлиб фиқру онг,  
Яхшилар ичра ватан тутса Навоий не тонг,  
Қимки ёмонлар била бўлди ёмон бўлдило.

## АДАБИЁТ ДАРСЛАРИДА Устоз Иброҳим Сафаровга

Адабиёт муаллими  
Бизлар бола чоғлари,  
Дарс берарди: Ҳиротда, део  
Навоийнинг боғлари.  
Сиз ҳам асли қўчатлари,  
Барғлари, япроқлари —  
Навоийнинг боғларисиз,  
Навоийнинг боғлари.

Йиллар ўтди. Болалик ҳам  
Ортода қолди бир умр.  
Навоийнинг боғлари лек  
Ёдда қолди бир умр.  
Биз англадик — надир Ватан,  
Томирлари, шохлари.  
Этиқод ҳам иймон экан  
Навоийнинг боғлари.

Устозлардан қарзимиз мўл,  
Ватандон қарзимиз азал.  
Сиз ўргатган ҳар бир ҳарфу  
Сиз ўргатган ҳар ғазал,  
Кўнглиларнинг Ҳақ йўлида  
Чеккан ранж, қийноқлари —  
Навоийнинг боғларидир,  
Навоийнинг боғлари.

Сув келтирган элдо азиз,  
Бог яратган бахтиёр.  
Инсон умри кўприқлардир,  
Йиллар, йўллардир қатор.  
Бу томони — Ҳиротда,  
Қашиқардир нарёғлари,



Сироҷиддин САҲИЙД,  
Ўзбекистон халқ шоири

Навоийнинг боғларидир,  
Навоийнинг боғлари.

Маърифатдир оламуумул,  
Муҳаббатдир жаҳоний.  
«Насоийм ул — муҳаббат» ҳам  
«Ҳазойин ул — маоний».  
Осмонлари руҳдан бино,  
Қалбдандир тупроқлари,  
Навоийнинг боғларидир,  
Навоийнинг боғлари.

Асрларким олам аҳли  
«Ҳамса»гадир ҳайронлар,  
Изсиз кетди қанча боғу  
Яна қанча боғбонлар.

То бор экан мактабларда  
Сиз янглиғ чароғбонлар —  
Шеърятинг мангу сўнмас  
Дураҳтин чироқлари,  
Навоийнинг боғларидир,  
Навоийнинг боғлари.

Устоз, Ватан буюк фандир,  
Устоз, Ватан буюк дар,  
Бўйнимизда мангу бурчу  
Бўйнимизда мангу қарз.  
Бизга мангу саодатдир  
Шу танҳо, ягона юрт,  
Юрт дегани боғ экандир,  
Боғ дегани — она юрт.

Эл меҳридан бино бўлган  
Ҳар шаҳру қишлоқлари —  
Навоийнинг боғларидир,  
Навоийнинг боғлари.

## ҲАЗРАТ

Навоий сенга ҳар бир тун керак бўлғай,  
Агар шодсан ва ё маҳзун — керак бўлғай.

Агар ошиқ эрурсан — лозазорингдир,  
Агар Лайлосану Мажнун — керак бўлғай.

Агар уммон билан суҳбат қурай дурсан,  
Агар ўзни десанг Жайҳун — керак бўлғай.

Билай дурсан надир кўнгул биноси ҳам  
Надир одам, надир оҷун — керак бўлғай.

Навоий осмондир, осмонийдир,  
У гардуи ичрадир гардуи — керак бўлғай.

Сенинг бу оламинг фисқу фасод бирлан,  
У бир оламдурр гулуи — керак бўлғай.

Навоийнинг Ватан янглиғ қиёси йўқ,  
Ватан янглиғ қиёси йўқ.

Ғазал бўстониға қирмоқ керакдир,  
Ҳар сўзни жон бирлан кўрмоқ керакдир.  
Ҳазрат Навоийга етмоқ-чун, эй дил,  
Яна беш юз йиллар юрмоқ керакдир.

<sup>1</sup> Ғазол, гизол (араб.) — қийин, оғир.  
<sup>2</sup> Малиҳ (араб.) — ўғул, малолалди.  
<sup>3</sup> Шабиҳ (араб.) — ўхшаш, монанд.  
<sup>4</sup> Фақиҳ (араб.) — диний ҳуқуқлар олим.  
<sup>5</sup> Ижтиноб (араб.) — уюшқаниш, чечилиш.

# ҲАЙДОВЧИННИНГ ҲИММАТИ

Бу халқ ўзининг маънавий хазиналарини қандай қилиб асраб келмоқда? Қандай қилиб, бутун дунё бойлигига ҳам сотиб олиб бўлмайдиган жавҳарларини сақлай оляпти?  
Маънавий бисотини «асрлардан опичлаб» (Абдулла Орипов ибораси), қўйнидан тўкила, кўнжидо асраб ўтиш учун бу элнинг не-не фидойи фарзандлари матонат кўрсатмаган дейсиз?  
Қарши бобо Аҳмедов исмли отахон ҳақида Қумқўрғонда эшитиб қолдим. Февраль ойи эди. Сурхонда бодомагар гуллаш бошлаган, илик чойдай бир кун эди. Қарийб бир аср умр кўрган момомизни сўнги йўлга кузатиб, жаноза маросимидан кейин, бир пиёла чай устида йиғилганимизда Қарши бобо ҳақида шу ерлик Нормўмин ака деган киши айтиб берди.  
Гап шундаки, 1924 йилда туғилиб, 1991 йилда вафот этган Қарши бобо ҳар йили 9 февраль куни уйда кўй сўйиб, муллога хатм буюртириб, кўни-кўшинини йиғиб, ҳазрат Навоийнинг номига худойи — ис қилар экан. Ўзи асл касоби юк машина ҳайдовчиси бўлган бу одам дурадгорлик билан ҳам шугулланган. У киши Навоий, Сўфи

Оллоёр, Машрабдан ғазаллар ўқиб юрар, шу зотларга катта эҳтиром билан яшар экан. Жумладан, хали айтганимиздек, ҳар йили ҳазратни хотирлаб, уйда кичик бир тадбир қилишни қанда қилмас экан.  
Бу одам ҳақида эшитган палламада ҳаёлимга Навоийнинг ушбу мисралари келди:  
*Урғу ерса тушиб чечак бўлди,  
Кўрт жондин кечиб ипак бўлди.  
Лола тухмича гайратинг йўқми?  
Пилла қуртчилик ҳамматинг йўқми?*  
Қарши бобони кўролмаганим, у кишининг икки оғиз суҳбатини ололмаганимга афсусландим. Аммо начора... вақт ортига қайтмайди.  
Ёшлиги, йигитлиги уруш йилларига тўғри келган Қарши Аҳмедов ҳаётининг ҳамма қийинчиликларини кўриб ўлғайди. Устага шогирд тушиб дурадгорликни ўрганди, шу ишни касб қилди. Кейинчалик техникумда ўқиб, ҳайдовчилик касбини танлади. Шу-шу эл ичидо Қарши шофир бўлиб

танилди. Аммо болаликдан қизиққан соҳаси — адабиётга меҳри бўлақча эди. Шу боис Навоийга бошқача муҳлис бўлди. Ҳазратнинг асарларини яхши кўриб ўқиб юрди...  
Мустақиллик арафасида халқимиз қандай турмуш кечирганини ёши катталар яхши эслайдилар. Гўлж ва Ивановнинг халқимиз бошига солган жабуру зулмининг кўксимиз нимилламай эслолмаимиз. Ана шундай мураккаб бир замонларда ҳам Қарши бобо ўз анъанасига содиқ қолган.  
Баъзан тўқчилик бўлса, баъзан йўқчилик бўлиб туради. Ҳар йили кўй сўйиниша беш фарзанд — жўжа бирдай жонни боқиб келадиган оддий ҳайдовчининг ҳам қурби келмай қолар экан. Шундай йилларда Қарши бобо биттагина хўроз сўйиб бўлса ҳам, Навоийни ёдлашни сира малоланмай адо қилар экан. Шунда тенгқур журағларидан бири у кишига эътироз билдирибди:  
— Қаршибой, жура, Навоийни эслаганинг яхши иш, лекин шунинг ўрнига

ота-боболарингни эслаб худойи қилсанг бўлмайдими?  
Жўрасининг бу гапига Қарши бобо шундай жавоб қилибди:  
— Эй, ошна, менинг ота-энамнинг мендан бошқа ҳам фарзандлари, неваралари бор. Шулар ота-энамга худойи қилаверсин... Лекин Навоий бобонинг кими бор? Елгончи дунёда уйланмай, тирноқ кўрмай ўтган бу вали кишини ҳам биров эслаши керак-ку?  
Шу билан эътироз қилган жўраси жим бўлибди.  
Ана шу Қарши бобонинг фарзандларини излаб-идарлаб тагин Сурхондарёга кўнгирик қилдим. Туреунпўлат исмли ўғлининг рақамини топиб гаплашдим. Ўғлининг суҳбати мени янаям ҳайрон қилди:  
— Энди, шоир ука, бобони газетига ёзиб ётманг. У киши чин дунёга кетган. Навоийга ҳурмат кўрсатган бўлса, Худо йўлида қилган бу ишларини...  
Аммо мен ҳам бўш келмадим:

— Ака, шундай дейсиз-да... Бу нарсани шунинг учун ҳам элга билдириш керакки, миннат эмас, ибрат учун! Шундай бўлган, менинг кўлимни ушламанг, жон ака! Яхши бир эсдалик бўлади. Навоийнинг ўзлари ёзиб кетган-ку «Саховат барчага бермақдир», деб. Бугун халқимиз бойиди, анчагина тўқ бўлди. Ҳаёт, яшаш чинакамнига осонлашди. Кўп уйларимизда қўша-қўша машиналар ҳам бор. Минг-минг доллар пул сарфлаб тўйлар қиялимиз. Лекин химмат озайд. Хонсанилло хизмат қилиш камайгани бор гап. Жадид боболар тўй-маъракалардаги исрофгарчиликни танқид қилиб, қуйиб ўтиб кетишди. Халқни маърифатли қилиш ҳақида қайғуришди доим. Сизнинг отангиз оддий дурадгорлик билан шугулланган, оддий ҳайдовчи киши бўлса ҳам кўнглида маърифати бутун бўлган инсон экан-да...  
Шу билан гурунгимиз ниҳоясига етди. Ҳазрат Алишер Навоий таваллуд топган кунлар арафасида шу хотирани сизларга ҳам илингим келди. Токи Қарши бободек маърифатли элдошларимиз кўпайсин!  
Шодмонқул САЛОМ

Азиз газетхон!  
Мароқли дам олинг!



Кеча келгудур дебон ул сарви гулру келмади,  
Кўзларимга кеча тонг отқунча уйқу келмади.  
Лаҳза-лаҳза чиқтиму чектим йўлида интизор,  
Келди жон оғзимгаю ул шўҳи бадҳу келмади.

Муножот Йўлчиева ижросида  
«Муножот» қўшиғи  
Алишер Навоий ғазали

MYACCSIS:  
O'zbekiston kasaba uyushmalar federatsiyasi  
ISSN 2010-5002  
2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida №116-raqam bilan ro'yxatga olingan.  
«Ishonch» va «Ishonch-Doverie» gazetalarini tahrir hayati:  
Qudratilla RAFIQOV (tahrir hayati raisi), Ulug'bek JALMENOVI, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfulla AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira GOYIBNAROVA, Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinboshari), Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib — «Ishonch»), Valentina MARSENYAK (Mas'ul kotib — «Ishonch-Doverie»)  
Bosh muharrir Husan ERMATOV  
Bo'limlar: Kasaba uyushmalarini hayoti — (71) 256-64-69 Huquq va xalqaro hayot — (71) 256-52-89 Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — (71) 256-82-79 Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — (71) 256-85-43 Marketing va obuna — (71) 256-87-73  
Hududlardagi muxbirlar: Qoraqalpog'iston Respublikasi — (+998-99) 889-98-20 Andijon viloyati — (+998-99) 889-90-23 Bukhoro viloyati — (+998-99) 889-90-31 Navoiy viloyati — (+998-99) 500-05-12 Jizzax viloyati — (+998-99) 889-90-34 Namangan viloyati — (+998-99) 213-09-66 Samarqand viloyati — (+998-99) 889-90-26 Sirdaryo viloyati — (+998-99) 889-98-55 Surxondaryo viloyati — (+998-99) 379-19-70 Toshkent viloyati — (+998-99) 600-40-44 Farg'ona viloyati — (+998-99) 889-90-24 Xorazm viloyati — (+998-99) 889-98-01 Qashqadaryo viloyati — (+998-99) 705-08-93  
«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.  
Navbatchi muharrir: S. Abdurahmonov  
Musahhihlar: D. Xudoyberganova, D. Ravshanova  
Sahifalovchi: H. Abdullajilov  
Bosishga topshirish vaqti — 19:00 Topshirildi — 19:20  
Bahosi kelishilgan narxda  
Manziliimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy. E-mail: ishonch1991@yandex.uz  
Gazeta haftaning senbanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalovchi.  
Nashr ko'rsatkichi: 133  
Umumiy adadi 32 427 ta  
Shundan: 6 246 nusxasi «Sharh» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi — Toshkent shahri, Buyuk Taron ko'chasi, 41-uyda;  
18 273 nusxasi «Eruditi» MCHJ bosmaxonasi — Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda;  
7 908 nusxasi «Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi — Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda chop etildi.  
Gazetaning poligrafik jihatidan sifatli chop etilishiga bosmaxona mas'ul.  
Gazetaning etkazib berilishi uchun obunani rasmiylashtirgan tashkilot javobgar.  
Gazeta ofset usulida, A2 formatida bosildi. Hajmi 2 tomona tabaq. Buyurtma G-211  
1 2 3 4 5 6